

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим бўлимидаги ўқув-услубий бирликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашига 2021 йил 25 август кунлари 365-сонли йўриқномада маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 август кунлари 365-сонли буйруғи билан тасдиқланган.


ЖОРИЙ ЭТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
**70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик
(тиллар бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Маъмур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий доқдалар", "Олий таълим бўлимидаги ва мутахассисликларни классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамаксига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий маъмурий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудия Малака талабларини расмий ҳужжат ҳисоб қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | бет |
|--|-----|
| 1. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи | 4 |
| 1.1. Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши..... | 4 |
| 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи | 4 |
| 1.2.1. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари..... | 4 |
| 1.2.2. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари..... | 5 |
| 1.2.3. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазибалари..... | 5 |
| 2. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 7 |
| 2.1. Умумий компетенциялар..... | 7 |
| 2.2. Касбий компетенциялар..... | 7 |
| Библиографик маълумотлар..... | 8 |
| Келишув варағи | 9 |

1. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.

70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) – таржимонлик соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида, нашриётлар, давлат бошқаруви органлари, саёхат агентликлари, авиакомпаниялар, туризм билан шуғулланувчи фирмалар ва меҳмонхоналар, элчихоналардаги фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни хал этиш, истикболни белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70230201 – Қиёсий тилишунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари;

- таржимонлик соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари.

1.2.3. 70230201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;

- педагогик фаолият;

- таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти;

- ташкилий-бошқарув фаолияти.

1.2.4. 70230201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70230201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик жаммуаларни мукамал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Таржимонлик ва муҳаррирлик фаолиятида:

- Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ташкилотларда ихтисослигига мос лавозимларда ишлаш;

- Оммавий ахборот воситаларида мухбирлик, ноширлик ва муҳаррирлик ишлари;

- оммавий ахборот воситаларида мухбирлик ва муҳаррирлик ишларида таржимонлик фаолиятини амалга ошириш;

- мустақил мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш қобилиятини шакллантиришда таржимонлик фаолиятдан фойдаланиш ва қўллаш;
- ноширлик муассасаларида таржимон ва адабий ходим бўлиб фаолият юритиш;
- телевидение кўрсатувларини тайёрлашда ва чет эл ҳамда ўзбек фильмларини таржима қилишда таржимонлик фаолиятини олиб бориш;
- нашриёт ва таҳрир соҳасида бадиий ва илмий асарларни, соҳага оид рисола ва монографиялар бўйича мусахҳих ва муҳаррирлик фаолиятини амалга ошириш ва таржимон сифатида фаолият олиб бориш;
- турли матнларни таржима қилиш ва уларни таҳрир қилишни билиш; таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш кўникмасига эга бўлиш; таҳрир қилинган материалларни нашр этишга тайёрлаш малакаларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

- замонавий технологиялар асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- педагогик фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- педагогик жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ўқув жараёнларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг тадбиғи билан боғлиқ бўлган педагогик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мос келиши борасида ўқув жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;
- олий ва ўрта махсус тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўқув машғулотларини ишлаб чиқиши ва ўтказиши;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириши ва тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиши;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши.

2. 70230201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- турли соҳаларда ва ахборот коммуникатив фаолиятдаги билим ва малакаларни тизимлаштириш ва интеграциялаштириш кўникмаларига эга бўлиш ва уларни касбий масалаларни ечишда қўллаш олиш;

- ўрганилаётган фанларнинг фанлараро боғлиқлик муносабатларини кўра олиш ва уларнинг бўлажак касбий фаолият учун аҳамиятлигини тушуниш;

- тадқиқот сифатини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш; янги ахборотни эгаллаган ахборот билан солиштириш олиш; ўз тадқиқотининг натижаларини аниқ ва раво баён эта олиш ва уларни педагогик амалиётда қўллаш олиш лозим.

- касбий соҳанинг барча турларида чет тил коммуникатив компетенциясига эга бўлиш;

- тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятига ҳос бўлган маънавий ва ахлоқий билимлар тизимини билиш, маданиятлараро мулоқот соҳаси бўйича назарий ва эмпирик билимларни эгаллаш, ўзаро мулоқотда бўлган маданиятларнинг асосий концептуал ва лисоний хусусиятларини билиш;

- лисоний ва коммуникатив таъсирни ўзига хос хусусиятларини билиш;

- маданиятлараро мулоқот жараёнида можароли вазиятлар сабабларини аниқлаш ва маданиятлараро алоқалар жараёнида мулоқотдаги тўсқинликларни енгишни билиш;

- ахборот-қидирув, эксперт ва автоматлашган тизимларни ишлатиш, турли соҳаларда автоматлашган тизимларни лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш замонавий усуллари қўллашни билиш;

- касбга оид турли матнларни яратиш ва таҳрир қилишни билиш;

- таълим олувчиларнинг интеллектуал ва билим орттириш қобилиятларини ҳамда маънавий кадрларнинг англашни таъминлайдиган таълим ва тарбия назарияларини билиш, чет тилни ўқитишда замонавий ёндашув ва технологиялардан фойдаланишни билиш;

- чет тилни ўқитишда миллий ва хорижий методик ютуқлардан, замонавий методик йўналишлар ва концепциялардан касбий фаолият доирасида фойдаланиш;

- “Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” ҳужжатида келтирилган талаблардан хабардор бўлиш, таълим беришнинг мақсад ва мазмунини аниқлаштиришда, ўқув дастурлар, ўқув қўлланмалар, дарсликларни ишлаб чиқишда ҳамда тилни билиш даражасини аниқлашда ва эришган ютуқларни баҳолашда ҳужжатда келтирилган тизимлар даражасини қўлашни билиш;

- маданиятлараро диалогда қатнашиш ва тил ўрганиш орқали мустақил таълим олишни давом этишга тайёр бўлиш;

- касбий фаолиятлар доирасида қўйилган масалаларни ҳал этишда стандарт ва ностандарт усуллардан фойдаланишни билиш;

- касбий ва ўқув-услугий мақсадда ахборот манбалари билан ишлашни билиш;

- касбий соҳаларга қўйилган вазифа ва масалалар ечимининг стандарт усулларини билиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва ўқув дастури (магистратура дастури), профиль, ўқув даври, таълим технологиялари, таржимашунослик, таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик, экспертиза, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, махсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  **И.Маджидов**

2021 йил « 20 » 08



КЕЛИШИЛГАН:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор  **М. Эсонов**

2021 йил « 25 » 08

М.Ў.

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тилари
университети**

Ректор  **У.Азизов**

2021 йил « 22 » 08

**Тошкент давлат шарқшунослик
университети**

Ректор  **Г.Рихсиева**

2021 йил « 20 » 08

